



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil «10» январь

№ ПҚ-15

### Электротехника саноатининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Электротехника саноатида янги захира ва имкониятларни сафарбар қилиш, юқори қўшилган қийматли электротехника маҳсулотлари, майший ва бошқа техникалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, шунингдек, соҳага замонавий технологиялар жорий этишни изчил давом эттириш мақсадида:

**1.** 2024–2025 йиллар учун электротехника тармоғини ривожлантириш бўйича қуидаги асосий мақсадли кўрсаткичлар белгилансин:

мис хомашёсини қайта ишлаш қувватини **2024 йилда 140 минг тоннага ва 2025 йилда 160 минг тоннага** етказиш;

маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини **2024 йилда 30,8 триллион сўмгача ва 2025 йилда 38 триллион сўмгача** ошириш;

маҳсулотлар экспорти ҳажмини **2024 йилда 1,5 миллиард АҚШ доллари ва 2025 йилда 2 миллиард АҚШ доллари** миқдорида таъминлаш.

Электротехника саноатини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гурӯҳ (А.Я.Хайдаров) ҳамда “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (М.М.Юнусов) асосий мақсадли кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга оширсин.

**2.** Электротехника саноатида янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш дастури доирасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини ишга туширишнинг йиғма параметрлари **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига ҳамда “Ўзэлтехсаноат” уюшмасига (М.М.Юнусов) мазкур дастурда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

**3.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари бошчилигида **бир ой** муддатда “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ва “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБнинг ҳудудий бўлинмалари вакилларидан иборат Электротехника саноатини **ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ҳудудий ишчи гурӯҳлар тузилсин.**

**Ҳудудий ишчи гурӯҳларнинг вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:**

ҳудудларда электротехника саноатида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга кўмаклашиш;

янги инвестиция лойиҳаларини шакллантиришда тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш, хорижий инвесторларни жалб қилиш орқали ҳудудларда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

электротехника йўналишида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг экспорт бозорларига чиқишига кўмаклашиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳар чоракда камида бир маротаба ҳудудий ишчи гурӯҳларнинг ҳисоботларини кўриб чиқсин ҳамда ҳар чоракда амалга оширилган ишлар бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот киритиб борсин.

**4.** Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси электротехника саноатида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 2024–2026 йилларда тижорат банкларига, уларнинг буюртмасига асосан **3 йиллик имтиёзли давр билан 10 йил** муддатга, **йиллик 5 фоиз** ставкада **100 миллион АҚШ доллари миқдорида** кредит линиясини очсин.

Бунда, кредит линияси ҳисобидан тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига **3 йиллик имтиёзли давр билан 10 йил** муддатга **йиллик 7 фоиз** ставкада (шундан 2 фоиз банк маржаси) кредитлар ажратилади.

**5.** Бош вазир ўринбосари (Ж.А.Ходжаев) 2024–2026 йилларда халқаро молия институтлари ва хорижий банклардан тижорат банкларига электротехника ва электромаишӣ техника маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш учун **400 миллион АҚШ доллари миқдорида** кредит линиялари жалб қилинишини таъминласин.

**6. 2024 йил 1 январдан 2027 йил 1 январга қадар** муддатга ҳисбот даври якунлари бўйича электротехника маҳсулотларини сотишдан тушган тушуми миқдори умумий тушумининг 80 фоизидан кам бўлмаган электротехника тармоғи корхоналарига фойда солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича ставкаларни 50 фоизга камайтириш тарзида солиқ имтиёzlари берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу бандда назарда тутилган солиқ имтиёзларининг берилиши муносабати билан бўшаган маблағлар:

корхоналар томонидан дивидендлар кўринишида тақсимланмайди;

янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилишга йўналтирилади.

**7. 2024 йил 1 апрелдан бошлаб давлат харидлари доирасида чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этганда уларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан қўйидаги миқдорларда нарх преференцияси берилади:**

учта ва ундан ортиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчи иштирок этган тақдирда ўн беш фоиз;

иккита маҳаллий ишлаб чиқарувчи иштирок этган тақдирда ўн икки фоиз;

битта маҳаллий ишлаб чиқарувчи иштирок этган тақдирда саккиз фоиз миқдорида.

#### **8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:**

давлат буюртмачилари электротехника (ТИФ ТН коди 84 ва 85-гуруҳи) маҳсулотлари харидини амалга оширишда электрон кооперация порталидан рўйхатдан ўтган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини ўрганиш чораларини кўради;

2024 йил 1 февралдан бошлаб электротехника саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқариш эҳтиёjlари учун хомашё ва бутловчи қисмларни импорт қилишда, шу жумладан **120 кун** кечикириб тўлашда, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш имкониятини берувчи тизимда бир вақтнинг ўзида исталган миқдорда божхона юк декларациясини юбориш, импорт бўйича қўшилган қиймат солиғини биринчи навбатда солиқ органларидағи ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобидан ундириш, сўнгра етмаган қисми бўйича ундирувни божхона депозитидаги маблағларга қаратиш тартиби жорий этилади;

соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналар “Ўзэлтехсаноат” уюшмасига аъзолигидан қатъи назар мазкур уюшма тавсияси асосида ваколатли иқтисодий операторлар реестрига киритилади;

мажбурий рақамли маркировка қилиниши белгиланган майший техника маҳсулотларини рўйхатга олиш, мувофиқлик сертификати бериш ва мувофиқлик декларациясини рўйхатга олиш қатъий равишда тегишли маркировка коди олинганидан сўнг амалга оширилади;

маҳаллий ишлаб чиқарилган электротехника маҳсулотлари харидини амалга ошириш бўйича Миллий саноат порталида алоҳида саҳифа яратилади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган мажбурий кўрсаткичларни аниқлашни таъминлайдиган, белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган синов лабораторияси мавжуд бўлмаган сертификатлаштириш органлари томонидан электротехника маҳсулотларига мувофиқлик сертификатларини бериш тақиқланади.

**9. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Фарғона, Хоразм, Тошкент вилояти ҳокимликлари ва “Ўзэлтехсаноат” уюшмасининг:**

янги турдаги юқори технологияга асосланган электротехника маҳсулотлари ва уларнинг бутловчи қисмларини ўзлаштириш мақсадида, “Ohangaron Tech Industrial” технопарки негизида “Eltech Industrial” технопаркини (кейинги ўринларда – технопарк) ташкил этиш;

“Ohangaron Tech Industrial” технопаркини бошқариш дирекцияси” давлат унитар корхонасини “Eltech Industrial” технопаркини бошқариш дирекцияси” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Дирекция) сифатида қайта ташкил этиш;

Дирекцияга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида қўшимча 214 гектар ер участкаларини ажратиш орқали технопарк ҳудудини кенгайтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

**10. Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси:**

икки ой муддатда технопарк ҳудудини кенгайтириш учун инфратузилмалар мавжуд ва ўтказиш осон бўлган унга туташ ҳудудлардан Дирекцияга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериладиган ер участкалари чегараларига аниқлик киритган ҳолда ер участкаларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш бўйича асослантирилган таклифларни тегишлилиги бўйича, Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича **Ҳукумат комиссиясига** ёки Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича **Ҳукумат комиссиясига** киритсин;

ер фонди тоифаси ўзгартирилишига кўра тегишли ер участкаларини Дирекцияга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратсин.

**11. Хоразм ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси билан биргалиқда бир ой муддатда Урганч шаҳри “Ал-Хоразмий” мажмуаси ҳудудидан 4 гектар, Фарғона шаҳри “Эко шаҳар” ҳудудидан 10 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини Дирекцияга доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берсин.**

**12.** Давлат активларини бошқариш агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** Дирекция фаолиятини самарали ташкил этиш ва технопарк бош режасини ишлаб чиқиш мақсадида технопарк фаолиятини бошқариш учун ушбу соҳада илғор тажрибага эга халқаро консалтинг компаниясини танлов асосида жалб қилсин ва унинг молиялаштирилишини таъминласин.

**13.** Белгилансинки, технопаркни ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш ишлари (етказиб бериш, кўчириш ҳамда зарур инфратузилмани яратиш) 2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида:

а) маҳсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ва инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш учун ажратилган маблағлар ҳисобига:

тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ ичимлик сув, оқова сув тармоқларини “Ўзсувтаъминот” АЖ таркибидағи ташкилотлар ҳамда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари **Автомобиль йўллари қўмитаси буюртмачилигига**;

электр энергияси ва табиий газ тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ҳудудгазтаъминот” АЖ таркибидағи ташкилотлар буюртмачилигига;

б) алоқа тармоқларини қуриш, кўчириш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари “Ўзбектелеком” АҚ буюртмачилигига ўз маблағлари ҳисобидан;

в) ирригация ва очиқ коллекторларни ёпиқ тармоқقا ўтказиш ёки кўчириш ишлари Сув хўжалиги вазирлиги обьектларини қуриш-таъмирлаш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

**14.** Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича **Ҳукумат комиссиясининг** Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани ҳудудидаги туман ҳокимлиги захирасида турган **2-иловага** мувофиқ 2 гектар суғориладиган ер участкасини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги бир йил муддатда тоифаси ўзгартирилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари ўрнига беш баробарга тенг миқдорда янги ерларни ўзлаштириш чораларини кўрсин.

**15.** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ички бозорда электротехника саноати маҳсулотлари нархи кескин ўзгаришининг олдини олиш ва ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар юзасидан 2024 йил 1 марта қадар Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**16.** Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига (Ж.А. Ходжаев) 2027 йил 1 январга қадар электротехника соҳаси корхоналарини қўшимча қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар кўриш ваколати берилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ҳукумат комиссияси қарорларига асосан электротехника соҳаси корхоналарини қўшимча қўллаб-қувватлаш чоралари учун зарур маблағлар ажратиб борилишини таъминласин.

**17. 2024 йил 1 февралдан бошлаб** Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда уларнинг сифати, хавфсизлиги ҳамда сервис кафолатини таъминлайдиган ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили ёки расмий дилерлари мавжуд бўлиши талаб қилинадиган маҳсулотлар рўйхати З-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили ва (ёки) расмий дилерларнинг сервис хизмати мавжуд бўлиши керак.

**18.** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси таъсисчилигида ташкил этилган “Eltech-Lab” МЧЖда электротехника ва электромаиший маҳсулотларнинг техник регламентлар ва халқаро талабларга мувофиқлигини (хавфсизлик кўрсаткичлари ва энергия самарадорлигини) баҳолаш бўйича замонавий синов лабораторияси ва сертификатлаштириш марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **2024 йилда** “Ўзэлтехсаноат” уюшмасига “Eltech-Lab” МЧЖда синов лабораториясини жиҳозлаш учун давлат бюджетидан босқичма-босқич 25 миллиард сўм миқдорида маблағлар ажратилишини таъминласин.

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси билан биргаликда:

**2024 йил 1 декабрга қадар** электротехника ва электромаший маҳсулотларнинг техник регламентлар ва халқаро талабларга мувофиқлигини (хавфсизлик кўрсаткичлари ва энергия самарадорлигини) баҳолаш бўйича замонавий синов лабораторияси ва сертификатлаштириш марказини ташкил этиш ишларини якунласин;

**2025 йил 1 марта қадар** синов лабораторияси фаолиятини халқаро меъёрлар асосида ривожлантириш ва тармоқнинг экспорт салоҳиятини оширишни инобатга олган ҳолда, уни аккредитациядан ўтказиш чораларини кўрсин.

**19. Энергетика вазирлиги 2024 йил 1 июнга қадар** Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳамда “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси билан биргаликда энергетика тизимидаги трансформатор нимстанциялари ва трансформаторларга, кабель-сим маҳсулотларига ҳамда қуёш фотоэлектр станцияларига нисбатан ягона техник талабларни тасдиқласин.

**20. Бош вазир ўринбосари (Ж.А. Ходжаев)** Энергетика вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** энергетика соҳасида инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишдаги давлат харидларида маҳаллий электротехника маҳсулотлари харид қилинишини қўллаб-қувватлаш механизmlарини Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мос равишда ишлаб чиқсин ҳамда амалиётда қўллаш чораларини кўрсин.

**21. “Ўзэлтехсаноат”** уюшмаси ҳузурида лойиҳалаш ишларини амалга оширадиган **Лойиҳалаш ва инжиниринг маркази – “Eltexenergoloyiha” масъулияти чекланган жамияти** ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Лойиҳалаш ва инжиниринг маркази Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кўкча дарвоза 1-тор кўчаси, 10-йда текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

**22. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айrim қарорларига 4-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**23. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги уч ой муддатда:**

электротехника маҳсулотлари истеъмолчиларига сифатли ва кафолатли сервис хизматлари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида сервис хизматларини тартибга солиш механизмини халқаро стандартлар асосида техник хизмат кўрсатиш марказларининг бино-иншоотлари, техник воситалари, асбоб-ускуналари ҳамда тегишли малака сертификатига эга бўлган ходимларига қўйиладиган талаблардан келиб чиқсан ҳолда тасдиқлашни назарда тутивчи Ҳукумат қарори лойиҳасини;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**24.** Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А.Ходжаев белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. Мирзиёев



Тошкент шаҳри

**Электротехника саноатида янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва ишлаб чиқаришни  
диверсификация қилиш дастури доирасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини ишга туширишнинг  
ЙИФМА ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Худуд номи	Лойиҳалар сони (бирлик)	шу жумладан ишга тушадиган:				Лойиҳалар қиймати (минг долл.)	шу жумладан ишга тушадиганлар:				Иш ўринлари (бирлик)	шу жумладан ишга тушадиганлар бўйича:			
			2024 йилда	2025 йилда	2026 йилда	Истиқболли		2024 йилда	2025 йилда	2026 йилда	Истиқболли		2024 йилда	2025 йилда	2026 йилда	Истиқболли
	<b>Жами:</b>	<b>294</b>	<b>85</b>	<b>108</b>	<b>44</b>	<b>57</b>	<b>4 220 835</b>	<b>485 544</b>	<b>794 462</b>	<b>845 929</b>	<b>2 094 900</b>	<b>21 540</b>	<b>5 195</b>	<b>5 784</b>	<b>4 200</b>	<b>6 361</b>
1	Қорақалпогистон Республикаси	10	5	3	0	2	117 280	67 280	18 800	0	31 200	778	533	150	0	95
2	Андижон вилояти	8	6	1	1	0	136 100	29 600	36 500	70 000	0	390	190	100	100	0
3	Бухоро вилояти	5	2	2	0	1	205 000	50 000	85 000	0	70 000	1 850	1 040	470	0	340
4	Жиззах вилояти	13	3	1	3	6	301 000	16 400	3 300	224 300	57 000	1 430	120	20	1 080	210
5	Қашқадарё вилояти	24	6	9	3	6	192 700	17 700	47 300	35 700	92 000	1 105	245	395	185	280
6	Навоий вилояти	17	7	6	1	3	252 600	19 700	42 900	80 000	110 000	1 051	225	176	400	250
7	Наманган вилояти	28	4	18	1	5	295 133	16 758	105 275	40 000	133 100	2 485	255	1 355	100	775
8	Самарқанд вилояти	44	10	9	11	14	860 048	23 439	121 281	44 729	670 600	3 663	565	480	595	2 023
9	Сурхондарё вилояти	24	2	8	9	5	206 500	14 500	59 000	72 500	60 500	1 595	225	430	385	555
10	Сирдарё вилояти	12	3	5	2	2	84 664	20 664	16 000	23 000	25 000	400	120	135	75	70
11	Тошкент вилояти	31	13	12	3	3	406 715	99 470	105 245	173 000	29 000	2 507	809	935	650	113
12	Фарғона вилояти	31	8	14	4	5	570 361	71 000	63 961	45 400	390 000	2 511	405	606	400	1 100
13	Хоразм вилояти	20	5	11	2	2	178 100	9 900	14 000	9 200	145 000	515	93	142	80	200
14	Тошкент шаҳри	27	11	9	4	3	414 634	29 134	75 900	28 100	281 500	1 260	370	390	150	350

Изоҳ: Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва саевдони тартибга солиши масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси заруртхолларда "Ўззелтексаноат" юшмасининг токлифига асосан ушбу йиғма параметрларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2024 йил 10 январдаги ПҚ-15-сон қарорига  
2-илова

Сурхондарё вилоятидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сүғориладиган ерлар тоифасидан  
ер фондининг бошқа тоифасига ўтказилаётган  
**ЕР УЧАСТКАСИ**

Т/р	Худуд номи	Ердан фойдаланувчи номи	Контур рақами	Жами ер майдони, га	Шундан,		Тупроқ бонитети бали	Ўтказилаётган ер фондига тоифаси	Ердан фойдаланиш мақсади	Асос
					сүғориладиган ер майдонлари, га	бошқа ерлар, га				
1	Сариосиё тумани, “Янгиҳаёт” МФЙ	Туман ҳокимлиги	Зқ, 4қ	2,0	2,0		64,1	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	Ошхона ҳаво тортиш қурилмалари ишлаб чиқариш	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги таклифи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2024 йил 10 январдаги ПҚ-15-сон қарорига  
З-илова

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда уларнинг  
сифати, хавфсизлиги ҳамда сервис кафолатини таъминлайдиган ишлаб  
чиқарувчининг ваколатли вакили ёки расмий дилерлари мавжуд бўлиши  
талаб қилинадиган маҳсулотлар**  
**РЎЙХАТИ**

T/p	Маҳсулот номи	ТИФ ТН коди
1.	Алюмин радиаторлар	7616 99 100 2, 7616 99 100 3, 7616 99 900 8
2.	Сув иситиш қозонлари	8403 10 100 0, 8403 10 900 0
3.	Сув иситкичлар	8419 11 000 0, 8419 19 000 0, 8516 10 110 0, 8516 10 800 0
4.	Буғ қозонлари	8402 11 000 9, 8402 12 000 9, 8402 19 100 9, 8402 19 900 9, 8402 20 000 9
5.	Чангюткич	8508 11 000 0, 8508 19 000 1, 8508 19 000 9
6.	Кир ювиш машинаси	8450 11 110 0, 8450 11 190 0, 8450 11 900 0, 8450 12 000 0, 8450 19 000 0, 8450 20 000 0
7.	Совуткичлар, музлаткичлар	8418 10 200 1, 8418 10 200 9, 8418 10 800 1, 8418 10 800 9, 8418 21 100 0, 8418 21 510 0, 8418 21 590 0, 8418 21 910 0, 8418 21 990 0, 8418 29 000 0, 8418 30 200 1, 8418 30 800 1, 8418 40 200 1, 8418 40 800 1

<b>8.</b>	Телевизор ва монитор	8528 49 100 0, 8528 49 800 2, 8528 49 800 8, 8528 59 100 0, 8528 59 900 0, 8528 72 200 1, 8528 72 200 9, 8528 72 300 1, 8528 72 300 2, 8528 72 300 3, 8528 72 300 9, 8528 72 400 0, 8528 72 600 0
<b>9.</b>	Маиший газ печи	7321 11 100 0, 7321 11 900 0
<b>10.</b>	Духовка ва печка	8516 60 101 0, 8516 60 109 0, 8516 60 500 0, 8516 60 700 0, 8516 60 800 0, 8516 60 900 0
<b>11.</b>	Микротүлқинли печ, дазмол, сув иситкич	8516 10 110 0, 8516 31 000 0, 8516 40 000 0, 8516 50 000 0
<b>12.</b>	Кондиционер	8415 10 100 0, 8415 10 900 0, 8415 81 001 0, 8415 81 009 0, 8415 82 000 0
<b>15.</b>	Сув насослари	8413 70 210 0, 8413 70 290 0

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси  
Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш  
ва қўшимчалар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 январдаги “Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3479-сон қарори 2-банди “а” кичик бандининг иккинчи хатбоиси қўйидаги мазмундаги иккинчи жумла билан тўлдирилсин:

“Бунда, биржা савдоларида чегирма билан харид қилинган мис катоди ва мис катанкасини учинчи шахсларга сотиш, шу жумладан экспорт қилиш тақиқланади”.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 июлдаги ПҚ-3857-сон қарори билан тасдиқланган Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 34-банди қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда, молиявий битим лойиҳасида, мажбурий тартибда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг (шу жумладан давлат харидларига оид) фармонлари ва қарорлари билан берилган имтиёзлар ва преференциялар қўлланилиши назарда тутилиши шарт”;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишинча учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансан.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 майдаги “Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шартшароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4348-сон қарорида:

а) 4-банднинг “б” кичик бандидаги “Давлат бюджети” сўзлари “Давлат буюртмачилари” сўзлари билан алмаштирилсан;

б) 6-банда:

еттинчи хатбоидаги “50 фоизигача” сўзлари “50 фоиз миқдорда” сўзлари билан алмаштирилсан;

тўққизинчи хатбоидаги “қисман ёки” сўзлари чиқариб ташлансан;

қүйидаги мазмундаги ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар билан тұлдирилсін:

“электротехника ва электромаший маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини рақамлаштириш (ERP, MES, PLM тизимларини жорий қилиш) билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин битта тадбиркорлик субъектига кўпи билан 5 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдорида қоплаш;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги әлчихоналари ҳузуридаги электротехника соҳаси бўйича менежерларининг (ходимларининг) иш ҳақи ва барча моддий таъминот харажатларини молиялаштириш”;

в) 9-банддаги “2025 йил 1 январга қадар” сўзлари “2027 йил 1 январга қадар” сўзлари билан алмаштирилсін;

г) 4-илова қўйидаги таҳрирда баён этилсін:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2019 йил 30 майдагы ПҚ-4348-сон қарорига  
4-илова

**Электротехника саноатини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гурӯҳ  
ТАРКИБИ**

Хайдаров Ахадбек Яхёбекович	– иктиисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари, <i>Ишчи гурӯҳ раҳбари</i>
Юнусов Мирзиёд Мирахмадович	– “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси раиси, <i>Ишчи гурӯҳ раҳбарининг ўринбосари</i>
Акбаржонов Азиз Акбаржон ўғли	– “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқаруви раиси, <i>Ишчи гурӯҳ раҳбарининг ўринбосари</i>
Холмуродов Нозимжон Қосимович	– инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари
Вафаев Шухрат Абдушарифович	– Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори
Жуманазаров Акмал Рўзиқулович	– энергетика вазирининг ўринбосари
Мухторов Илхом Мухторович	– Божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
Саттаров Дилшод Нематович	– Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директори
Қаюмов Асадулла Уролович	– Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари
Ишмухамедов Зоҳиджон Бахтиёрович	– “Олмалиқ кон металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари

*Изоҳ. Ишчи гурӯҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади”.*

**4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4812-сон қарори 4-бандининг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“бюджет ва корпоратив буюртмачилар раҳбарлари харид қилиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни биринчи навбатда new.cooperation.uz порталида рўйхатдан ўтган маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш имкониятини мажбурий тартибда ўрганади. Бунда, давлат харидлари учун зарур бўлган товарлар new.cooperation.uz порталида мавжуд бўлмаган тақдирдагина портал маълумотномаси асосида уларни бошқа электрон порталлардан харид қилишга рұхсат этилади”.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 марта даги “Электротехника саноатини янада ривожлантириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5011-сон қарорида:

а) 6-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Олмалиқ КМК» АЖ томонидан ишлаб чиқарилган мис катодини биржа савдоларига қўйишда үнинг бошланғич нархини қўшилган қиймат солиғисиз Лондон металл биржаси нархидан 2021 йил 1 апрелдан — 8 фоиз, 2022 йилда — 6 фоиз ва 2023–2026 йилларда 4 фоиз миқдорида чегирма билан белгилаш”;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2024 йил 1 январдан бошлаб мис хом ашёсини биржа савдолари орқали харид қилишда юқори технологияли ишлаб чиқариш жараёнини жорий этган тармоқ корхоналари томонидан тўловнинг 25 фоизини аванс тарзида ва қолган 75 фоизини мис хом ашёси олинганидан сўнг 60 иш куни ичида ҳар ойда тенг улушларда амалга ошириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсан. Бунда, харид қилинган мис хом ашёси учун тўловнинг қолган қисми (75 фоизи миқдори) бир харидор учун 200 миллиард сўмдан ошмаслиги лозим”;

тўртинчи хатбошидаги “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К. Абдиназаров)” сўzlари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров)” сўzlари билан алмаштирилсан;

қўйидаги мазмундаги бешинчи – еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсан:

“Бунда:

мис катодини харид қилиш кунидаги нархлар, бир кун олдинги Лондон металл биржаси (LME) нархига нисбатан белгиланган чегирмани қўллаган ҳолда шакллантирилади;

белгиланган чегирма билан харид қилинган мис катоди фақатгина корхонанинг ўзининг ишлаб чиқариш қувватларида қайта ишланади ва уни учинчи шахсларга сотиш тақиқланади”;

б) 7-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзэлтехсаноат” ўюшмасининг тавсиясига асосан электротехника тармоғи ишлаб чиқариш корхоналарига товарларни экспорт қилишда ноль даражали солиқ ставкаси қўлланилиши натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг салбий фарқ суммаси уч кун ичидаги қоплаб берилади”;

в) 8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 9-бандда:

учинчи хатбошидаги “50 фоизигача” сўзлари “50 фоиз миқдорда” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “қисман ёки” сўзлари чиқариб ташлансин.

**6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июндаги “Мис ва ноёб metalllar xom aшёсини қайta ишлашнинг технологик занжирларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-295-сон қарорида:**

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги “Ohangaron Tech Industrial” сўзлари “Eltech Industrial” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банддаги “Ohangaron Tech Industrial” технопаркини бошқариш дирекцияси давлат унитар корхонаси” сўзлари “Eltech Industrial” технопаркини бошқариш дирекцияси” давлат муассасаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6-банднинг “в” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2022 йил 28 июндаги ПҚ-295-сон қарорига

1-илова

Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ҳудудидаги “Ангрен” эркин иқтисодий зonasи таркибидан чиқарилаётган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига ўtkазилаётган ва Хоразм вилояти Урганч тумани “Чаккашоликор” қишлоғи “Ал-Хоразмий” массивидаги ҳамда Фарғона вилояти “Эко шаҳар” ҳудудидаги “Eltech Industrial” технопаркини бошқариш дирекциясига доимий

фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиладиган ер участкалари

### РЎЙХАТИ

Худуд номи	Контур рақами	Жами ер участкаси (гаектар)	шундан:		Тупроқ бонитет бали
			суғориладиган ерлар	бошқа ерлар	
Оҳангарон тумани Оҳангарон массиви	895к	1,53	1,48	0,05	54
	894к	4,88	4,80	0,08	54
	884к	4,88	4,70	0,18	44
	882к	4,04	3,85	0,19	44
	882к, 881к	15,44	14,70	0,74	47
	874к, 883	14,86	13,10	1,76	47
	874к	6,35	6,10	0,25	44
	851к, 854к	8,29	7,90	0,39	44

	870	0,70		0,70	37
	871к	7,5	7,2	0,30	37
	875к	15,76	15,40	0,36	47
	877к	2,30	2,20	0,10	47
	855	3,65		3,65	44
	856	0,60	0,58	0,02	44
	857	0,51		0,51	44
	865к	0,31	0,25	0,06	44
	866	0,97	0,89	0,08	44
	867	0,12		0,12	44
	868	0,55	0,43	0,12	
	869	0,48	0,43	0,05	44
	851к	7,95	7,90	0,05	44
	884к	6,50	6,30	0,20	47
	886	1,21	1,00	0,21	47
	887к	1,02	0,90	0,12	47
	888к	0,62	0,50	0,12	52
	889к	0,47	0,40	0,07	47
	890	0,55	0,40	0,15	47
	891	14,50	13,90	0,60	44
	840	0,20	0,20		44
	841к	0,94		0,94	38
	843	0,92	0,92		38
	844	0,73		0,73	38
	845	1,34	1,05	0,29	38
	846	0,69	0,53	0,16	38
	847	1,29	1,29		38
	848	0,55		0,55	38
	849	1,12	0,25	0,87	38
	850,852,853	3,68	1,15	2,53	52
“Ал-Хоразмий” мажмуаси	545к 544к	4		4	
Фарғона шаҳар “Эко шаҳар” ҳудуди		10		10	
Жами		152,0	120,70	31,30	

**Изоҳ:** “Eltech Industrial” технопарки таркибига кирувчи Оҳангарон туманидаги ҳудуд чегарасининг тавсифи:

1-нүқтадан ( $40^{\circ}56'0.53''C$ ,  $69^{\circ}39'57.72''B$ ) жанубий-шарқий йўналиш бўйича 2-нүқтага қадар 441,3 метр чўзилган.

2-нүқтадан ( $40^{\circ}55'56.48''C$ ,  $69^{\circ}40'15.82''B$ ) жанубий-шарқий йўналиш бўйича 3-нүқтага қадар 1231,3 метр чўзилган.

3-нүқтадан ( $40^{\circ}55'28.54''C$ ,  $69^{\circ}40'53.43''B$ ) жанубий-шарқий йўналиш бўйича 4-нүқтага қадар 1003,6 метр чўзилган.

4-нүқтадан ( $40^{\circ}55'4.70''C$ ,  $69^{\circ}40'24.25''B$ ) жанубий-ғарбий йўналиш бўйича 5-нүқтага қадар 1094,7 метр чўзилган.

5-нүқтадан ( $40^{\circ}55'29.49''C$ ,  $69^{\circ}39'50.77''B$ ) шимолий-ғарбий йўналиш бўйича 1-нүқтага қадар 970,8 метр чўзилган.

”;

д) 2-иловада:

номланишидаги “Ohangaron Tech Industrial” сўзлари “Eltech Industrial” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-позицияда:

“Чора-тадбирлар” устуnidаги ва “Амалга ошириш механизми” устунининг 1-бандидаги “Ohangaron Tech Industrial” сўзлари “Eltech Industrial” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Амалга ошириш механизми” устунининг 2-бандидаги “Ohangaron Tech Industrial” технопарки бошқарув дирекцияси давлат унитар корхонасини” сўзлари “Eltech Industrial” технопарки бошқарув дирекцияси” давлат муассасасини” сўзлари билан алмаштирилсин;

12-позициянинг “Чора-тадбирлар” устуnidаги “Ohangaron Tech Industrial” технопарки бошқарув дирекцияси давлат унитар корхонасининг” сўзлари “Eltech Industrial” технопарки бошқарув дирекцияси” давлат муассасасининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 3-илованинг номланишидаги “Ohangaron Tech Industrial” сўзлари “Eltech Industrial” сўзлари билан алмаштирилсин.

**7. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:**

а) 27-банднинг учинчи хатбошидаги “10” рақами “30” рақами билан алмаштирилсин;

б) илованинг 6-бандидаги “З иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда” сўзларидан кейин “(бундан ТИФ ТН коди 84 ва 85 гуруҳига мансуб маҳсулотлар бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда)” сўзлари билан тўлдирилсин.

**8. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 833-сон қарори билан тасдиқланган Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Рақамли трансформация марказининг электрон кооперация порталида ахборотни жойлаштириш ва харидларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-банди тўққизинчи хатбошисидаги “ҳудудий бўлинмалари томонидан” сўзларидан кейин “тегишлилиги бўйича соҳавий тармоқ хўжалик бирлашмалари мутахассисларини жалб қилган ҳолда” сўзлари билан тўлдирилсин.**

**9. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 октябрдаги 877-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзэлтехсаноат” уюшмасининг Электротехника саноатини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандида:**

- а) “ж” кичик банддаги “50 фоизгача” сўзлари “50 фоиз миқдорида” сўзлари билан алмаштирилсин;
- б) “и” кичик бандидаги “қисман ёки” сўзлари чиқариб ташлансин;
- в) қуидаги мазмундаги “л” ва “м” кичик бандлар билан тўлдирилсин:
- “л) электротехника ва электромаший маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини рақамлаштириш (ERP, MES, PLM тизимларини жорий қилиш) билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин битта тадбиркорлик субъектига кўпи билан 5 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдорида қоплаш;

м) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари ҳузуридаги электротехника соҳаси бўйича менежерларининг (ходимларининг) иш ҳақи ва барча моддий таъминот харажатларини молиялаштириш”.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 марта даги 170-сон қарори билан тасдиқланган Биржа савдоларида юқори ликвидли ва (ёки) монопол турдаги маҳсулотларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандида:

иккинчи хатбошидаги “2023 йилда – 4 фоиз миқдорида чегирма билан, 2024 йил 1 январдан эса ЛМБ нархида (экспортга сотиладиган нархда)” сўзлари “2023–2026 йилларда 4 фоиз миқдорида чегирма билан” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “2023 йилда – 4 фоиз миқдорида чегирма билан, 2024 йил 1 январдан эса ЛМБ нархига” сўзлари “2023–2026 йилларда 4 фоиз миқдорида чегирма билан” сўзлари билан алмаштирилсин.

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 январдаги “Ўзбекистон Республикасида мувофиқлиги тасдиқланиши лозим бўлган мувофиқликни баҳолаш обьектлари рўйхатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 43-сон қарорига 4-илованинг 72-позицияси «ТИФ ТН коди» устуни “8540 89 000 0” рақамларидан кейин “8541 42 000 0, 8541 43 000 0,” рақамлари билан тўлдирилсин.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 августдаги “Ohangaron Tech Industrial” технопаркини бошқариш дирекцияси” давлат үнитар корхонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 459-сон қарорида:

- а) номланиши қуидаги таҳрирда баён этилсин:
- “Eltech Industrial” технопаркини бошқариш дирекцияси” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”;
- б) 1-бандда “Ohangaron Tech Industrial” сўзлари “Eltech Industrial” сўзлари билан алмаштирилсин;
- в) 2-бандда:

иккинчи хатбоидаги “давлат унитар корхонаси шаклидаги “Ohangaron Tech Industrial” технопаркини бошқариш дирекцияси” сўзлари “давлат муассасаси шаклидаги “Eltech Industrial” технопаркини бошқариш дирекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоидаги “Ohangaron Tech Industrial” технопаркини бошқариш дирекцияси” давлат унитар корхонаси” сўзлари “Eltech Industrial” технопаркини бошқариш дирекцияси” давлат муассасаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1-илованинг номланиши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Eltech Industrial” технопаркини бошқариш дирекцияси” давлат муассасаси тузилмаси”;

д) 2-иловада:

номланиши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Eltech Industrial” технопаркини бошқариш дирекцияси” давлат муассасаси тўғрисида низом”;

1, 2 ва 3-бандларидаги “Ohangaron Tech Industrial” технопаркини бошқариш дирекцияси” давлат унитар корхонаси” сўзлари “Eltech Industrial” технопаркини бошқариш дирекцияси” давлат муассасаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-бандда:

“а” кичик бандда:

иккинчи хатбоидаги “Ohangaron Tech Industrial” texnoparkini boshqarish direksiyasi” Davlat unitar korxonasi” сўзлари “Eltech Industrial” texnoparkini boshqarish direksiyasi” Davlat muassasasi” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоидаги “Ohangaron Tech Industrial” texnoparkini boshqarish direksiyasi” DUK” сўзлари “Eltech Industrial” texnoparkini boshqarish direksiyasi” DM” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик бандда:

иккинчи хатбоидаги “Государственное унитарное предприятие “Дирекция по управлению технопарком “Ohangaron Tech Industrial” сўзлари “Государственное учреждение “Дирекция по управлению технопарком “Eltech Industrial” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоидаги “ГУП “Дирекция по управлению технопарком “Ohangaron Tech Industrial” сўзлари “ГУ “Дирекция по управлению технопарком “Eltech Industrial” сўзлари билан алмаштирилсин;

“в” кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги “State unitary enterprise “Directorate for the management of the technopark “Ohangaron Tech Industrial” сүзлари “State institution “Directorate for the management of the technopark “Eltech Industrial” сүзлари билан алмаштирилсін;

учинчи хатбошидаги “SUE “Directorate for the management of the technopark “Ohangaron Tech Industrial” сүзлари “SI “Directorate for the management of the technopark “Eltech Industrial” сүзлари билан алмаштирилсін;

10 ва 11-бандлардаги “Ohangaron Tech Industrial” сүзлари “Eltech Industrial” сүзлари билан алмаштирилсін.

